

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ОТАМУРОД ТАШТЕМИРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОЛИЯ-КРЕДИТ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Эргашев Отамурод Таштемирович

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-
кредит механизмини такомиллаштириш.....3

Эргашев Отамурод Таштемирович

Совершенствование финансово-кредитных механизмов развития субъектов
малого бизнеса в Узбекистане.....27

Ergasheva Otamurod Tashtemirovich

Improvement of financial and credit mechanisms for the development of small
businesses in Uzbekistan.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ОТАМУРОД ТАШТЕМИРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОЛИЯ-КРЕДИТ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори(Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Qt869 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Атаниязов Жасурбек Хамидович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Жумаев Нодир Хосиятович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Куллиев Истам Янгимуродович
Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт
университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «08» 01 кунни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2022 йил « 8 » 01 кунни тарқатилди.
(2022 йил « 8 » 01 даги 8 - рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

О.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

И.Н.Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ(фалсафадоктори(PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кичик бизнесни молия-кредит механизмлари орқали қўллаб қувватлаш ва улар фаолиятини самарали ривожлантириш бўйича турли молия-кредит воситалардан фойдаланиш халқаро молия муассасалари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу воситалар асосида давлат кичик бизнесни ривожлантириш бўйича қулай муҳит шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Бироқ, ҳозирги глобал пандемия даврида маҳсулот ва хизматларга бўлган талабнинг кескин пасайиши, пул оқимлари ҳаракатининг сусайиши, нақд пулга бўлган эҳтиёжнинг туғилишини олдини олиш учун Халқаро молия корпорацияси томонидан Европа, Осиё ва Африка мамлакатларида кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлаш учун уч йўналишдаги кредитлар ажратилди². Шунингдек, Covid-19 пандемияга қарши АҚШ ҳукумати 5 та қонун ишлаб чиқди, учинчи қонун айнан 2020-2030 молия йилида қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ кичик бизнесни қўшимча кредитлаш ва уларга кенг имкониятлар яратишга давлат бюджетидан 377 млрд. долларлик маблағ ажратилди. Бу ўз навбатида кичик бизнес субъектларининг иктисодиёт учун янада аҳамиятли эканлигидан ва уни ривожлантиришда молия-кредит механизми воситаларидан самарали фойдаланиш зарурлигидан далолат беради³.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасалари ҳисобланган Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари, АҚШда миллий агентлик ва федерал вазирликлар⁴, Дунёнинг савдо ассоциациялари ва банк ташкилотлари жамиятини ўзида бирлаштирган 43 мингта компаниядан иборат Швед бизнес ассоциацияси⁵ каби халқаро ташкилотлар томонидан кичик бизнесни молия-кредит воситалари орқали қўллаб қувватлаш бўйича услубий тавсияларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари, миллий агентлик ва вазирликлар, ассоциациялар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро стандартларда белгиланган талаблар асосида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит усуллариини такомиллаштириш имконини берган. Лекин кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмнинг назарий асослари, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит тизими амалиёти таҳлили, кичик бизнес субъектларини

¹<https://documents1.worldbank.org/curated/en/688761571934946384/pdf/Doing-Business-2020-Comparing-Business-Regulation-in-190-Economies.pdf>. 2020 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433.

²https://unctad.org/system/files/official-document/osg2020d1_en.pdf. Impact of the Covid-19 Pandemic on Trade and Development.

³For appropriations from all legislation, see Government Accountability Office (GAO), COVID-19: Opportunities to Improve Federal Response and Recovery Efforts, Report to the Congress, GAO-20-625, June 25, 2020, <https://www.gao.gov/reports/GAO-20-625/>.

⁴Yong Suk Lee. Government guaranteed small business loans and regional growth // Journal of Business Venturing Volume 33, Issue 1 January 2018. — P. 70–83.

⁵Svenska Arbetsgivareföreningen (Association of Swedish Employers). <http://SAF.se>.

ривожлантириш молия-кредит механизми самарадорлигини ошириш йўллари билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда сўнги йилларда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш орқали кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, жумладан уларнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, божхона божи ва солиқ тўловлари бўйича имтиёзли тизим жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, кичик бизнес корхоналарининг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Албатта мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, бугун унга тўсиқ бўлаётган ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича молия ва кредит соҳасида амалда юзага келаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш шароитида миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири саналган кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг мавжуд молия-кредит механизмини чуқур таҳлил қилиш ҳамда тубдан такомиллаштириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14-майдаги ПФ-5718-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29-августдаги ПҚ-4862-сонли «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13-октябрдаги ПҚ-4862-сонли «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизми масалалари хорижий иқтисодчи-олимлардан М.Юнус, Ф.Аллен, Д.Гейл Шанел-Рейно, Блуа, В.М.Мамутлар томонидан тадқиқ этилган⁶.

МДХ иқтисодчи олимларидан В.М.Опарин, В.И.Букато, М.И.Лapidус, Д.А.Аллахвердян, В.К.Сенчагов, Л.Л.Осипчук, В.И.Аранчий, Г.Г.Корейцев, А.И.Балабанов, И.Т.Балабанов, О.Р.Романенко, В.Федосов, М.Свекла, Д.Бутаковларнинг илмий-тадқиқот ишлари молия-кредит механизмининг хўжалик ва давлат томонидан амалга оширишнинг дастак ва воситалари, мезонларига бағишланган⁷.

Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Гуломов, Б.Ю.Ходиев, М.С.Қосимова, Р.С.Муратов, Н.П.Пулатов, Г.Л.Хусаинов, И.М.Алимардонов, У.В.Гафуров, Н.К.Муродова, М.С.Рустамов, А.Г.Тўйчиев, Қ.Н.Тўхсановларнинг⁸ илмий-тадқиқотларида кичик бизнес субъектларини кредитлаш, уларни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни ҳамда кичик бизнес корхоналарида молиявий муносабатларни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Бирок, таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этиб ўтилган тадқиқотларда

⁶ Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.; Allen F., Gale D. Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.; Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risque PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.; Мамут М.В. Микрофинансирование: новые возможности финансово-кредитной системы // Банковское дело. – Москва, 2009. - № 4. – С. 96 - 99.

⁷ Финансово-кредитный механизм и банковские операции. / Под ред. В.И.Букато, М.Х. Лapidус. – М.: Финансы и статистика, 1999. – 6 с.; Опарин В.М. Финансы (общая теория): Учебное пособие. – К.: КНЕУ, 1999. – 18 с.; Финансы, денежное обращение и кредит. / Под ред. проф. Сенчагова В.К. – М.: ООО «ТК Велба», 2002. – 5-9 стр.; Базилевич В.Д., Бонастрик Л.О. Государственные финансы. / За ред. Базилевича В.Д. – К.: Атика, 2004. – 380 с.; Аранчий В.И. Финанси підприємства: Навч. посібник. – К.: ВД «Професіонал», 2004. – 354 с.; Финанси (теоретичні основи): Підручник / Грідчина М.В., Захожай В.Б., Осипчук Л.Л. та ін./ Під рук. таза наук. ред. Грідчиної М.В., Захожай В.Б. – К.: МАУП, 2002. – 280 с.; Петровська І.О., Калиновський Д.В. Финанси (з елементами статистики фінансів): Навч. посібник. – К.: ЦНЛ, 2002. – 300с.; Романенко О.Р. Финанси: Підручник. – К.: ЦНЛ, 2003. – 22 с.; Балабанов А.И., Балабанов И.Т. Финансы. – СПб.: Питер, 2000. – 192с.; Финанси (теоретичні основи): Підручник / Грідчина М.В., Захожай В.Б., Осипчук Л.Л. та ін./ Під рук. таза наук. ред. Грідчиної М.В., Захожай В.Б. – К.: МАУП, 2002. – 280 с.; Государственные финансы: Учебное пособие. / Под рук. проф., д.э.н. Федосова В.М., Огородника С.Я., Суторинной В.Н. – К.: Лыбидь, 1991.; Романенко О.Р. Финанси: Підручник. – К.: ЦНЛ, 2003. – 312 с.

⁸ Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: ТДАУ, 1998.71-бет; Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.; Р.С.Муратов, Н.П.Пулатов. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш механизмлари ва истіқболлари. «Иқтисодиёт ва инновацион техноло-гиялар» илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2015 йил. 9-бет; Г.Л.Хусаинов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаш механизмининг такомиллаштириш имкониятлари. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил.; Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2018.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2017.; Муродова Н.К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.; Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илгор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Тўйчиев А.Г. Кичик бизнесга инновациялар трансферини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.

hozirgi sharoitda Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш масалалари тадқиқига етарли даражада эътибор қаратилмаган

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шaroитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжалланган М-ФЗ-201908169-сонли «Кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий грант доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Замонавий бозор иқтисодиёти шaroитида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш молия-кредит механизмлари тўғрисидаги илмий-назарий ёндашувларни тадқиқ этиш;

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш дастак ва воситаларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётининг хориж тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимиз учун зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш;

солиқлар воситасида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳолати таҳлилин аналга ошириш;

кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган кредитлар таркиби ва динамикасининг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётига таъсир қилаётган омиллар эконометрик таҳлилин аналга ошириш;

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётини такомиллаштириш жараёнидаги муаммоларини ҳамда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, эмпирик баҳолаш, корреляцион-регрессион таҳлил, башоратлаш тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва уларни самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида солиққа тортиш механизмнинг «фаол ҳаракат модели» яратилган;

кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасидаги хорижий тажрибалар асосида рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этиш тавсия этилган;

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш ва уларни зарур ресурслар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини коплашнинг имтиёзли тартиби тавсия этилган;

молия-кредит воситалари орқали иқтисодий фаолликни оширишга қаратилган молиявий маблағларни (жумладан, инвестиция ссудалари бўйича қарзларни узайтириш) айланма маблағлар сифатида «тез пуллар»ни ажратиш бўйича устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг илгор хорижий тажрибаларини тадқиқ этиш асосида миллий иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг молия-кредит механизмни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар орқали ривожланиш даражаси тахлили амалга оширилиб, банк кредитларининг самарадорлигини белгилаш имкониятини берувчи омили кўрсаткичлар аниқланди.

Республика ҳудудларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш мақсадида кредитлашнинг хорижий тажрибаларига асосланган рақамли микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг замонавий банк инфратузилмаларини ташкил этиш механизми ишлаб чиқилган;

кичик бизнес корхоналарининг етарли маблағ билан таъминлаш, кичик тадбиркорлик секторининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг рағбатлантирувчи миқдорини белгилаш ва кредит фоиз ставкасини имтиёзли «discretion» механизми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлил ва статистик маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, самарадор замонавий эконометрик усуллардан фойдаланилганлиги, эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил этилганлиги ҳамда тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди молиявий ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган хулосалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан жадаллашган амортизация усулларини қўллашнинг миллий иктисодиётдаги хусусиятлари фундаментал ва амалий жиҳатларини ўрганиш ҳамда ривожлантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертация ишининг асосий гоя ва материалларидан республикада кичик бизнес субъектларини молия-кредит механизмларининг асосий дастаклари ҳисобланган солиқ, кредит воситалари орқали уларни ҳудудий рағбатлантириш ва банк ходимларини республика минтақаларида фаолияти ҳамда соҳани ривожлантиришда ахборот коммуникацион дастурий тизим йўлга қўйишнинг жаҳон тажрибаси билан уйғунлаштиришга қаратилган ҳукумат чора-тадбирлари тизимини кучайтиришга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик», «Бизнесни тадқиқ этиш усуллари» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик бизнес субъектларининг иктисодий фаоллигини ошириш ва уларни самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида солиққа тортиш механизмнинг «фаол ҳаракат модели»ни яратиш юзасидан таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29-августдаги 526-сонли «2020-2021 йилларда иктисодий ўсишни тиклаш ва иктисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси 2021 йил 1 мартдаги 21-15541-сон маълумотномаси). Натижада солиқ мажбуриятларини бажаришни енгиллаштиришга ҳамда солиқ юқини қисқартиришга йўналтирилган солиқ сиёсати такомиллаштирилган;

кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасидаги хорижий тажрибалар асосида рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этиш таклифи АТБ Микрокредитбанк томонидан банк амалиётига жорий қилинган (АТБ Микрокредитбанкнинг 2021 йил 1 мартдаги 33-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларда кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасидаги рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш ахборот дастурий таъминоти ҳамда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар енгиллаштирилган қулай тизим йўлга қўйилган;

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш ва уларни зарур ресурслар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларига

ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашнинг имтиёзли тартиби Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 10 сентябрдаги 03/14-03-10/10-4175-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5087-сонли қарорида инобатга олинган бўлиб, унга кўра Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамгармаси томонидан компенсация тақдим этиш белгиланган;

молия-кредит воситалари орқали иқтисодий фаолликни оширишга қаратилган молиявий маблағларни (жумладан, инвестиция ссудалари бўйича қарзларни узайтириш) айланма маблағлар сифатида «тез пуллар»ни ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 526-сонли «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида инобатга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси 2021 йил 1 мартдаги 21-15541-сон маълумотномаси). Натижада карантин чораларидан зарар кўрган кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаоллигини оширишга муваффақ бўлинди ва уларнинг хуудларда турли йўналишлардаги янги хизмат турларини очилишига минтақа хусусиятларидан келиб чиқиб янги лойиҳаларга асосланган инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш кучайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмининг назарий асослари» деб номланган бўлиб, унда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молия-кредит механизмлари тўғрисидаги назарий қарашлар эволюцияси, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш дастак ва воситаларининг ўзига хос хусусиятлари, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётининг хориж тажрибаси ва унинг миллий хусусиятларини ўрганиш каби масалалар ёритилган.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барча босқичларида молия-кредит механизми объектив иқтисодий қонунларда мужассамлашган ҳолда иқтисодий тараққиётнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Молия-кредит механизмининг роли, мақсади ва вазифалари ва таркибий тузилиши масаласи каби тадқиқот муаммолари қўллаб иқтисодчи олимлар томонидан илмий-тадқиқот мавзуси сифатида ўрганиб келинмоқда. Иқтисодий адабиётларда «молия-кредит механизми» тушунчаси жуда кенг қўлланилади. Аммо иқтисодий моҳияти, мазмуни ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида ягона ёндошув мавжуд эмас. Бир қатор тадқиқотчилар молия-кредит механизмини жамиятда иқтисодий жараёнларга таъсир этишнинг элемент ва воситаларидан иборат бўлган молиявий муносабатларни ташкил этиш усули деб таъкидлашган⁹.

Фикримизча, ушбу талқин на молиявий вазифаларни, на мақсадларни, на молиявий муносабатларни ташкил этишнинг моҳиятини акс эттирмайди. Мантқиқий асос фақат молия-кредит механизми элементларининг билвосита тузилишига тегишли бўлади. Иқтисодчиларнинг яна бир гуруҳи молия-кредит механизмини қуйидагиларни ўз ичига олган алоҳида қуйи тизимларнинг аниқ тузилиши сифатида ифодалайдилар: молия-кредит бўйича режалаштириш, молия-кредит дастаклари, ташкилий тузилмалар, молия-кредит тизимининг ҳуқуқий режими¹⁰. Айрим тадқиқотчилар эса, молия-кредит механизми иккита қуйи тизимни яъни, молия-кредит таъминоти, молия-кредит бошқарувини ўз ичига олади, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уларнинг фикрига кўра, унга ташкилий тузилмалар ва таъсир кўрсатиш дастаклари ҳам қиради.

«Молия-кредит механизми» тушунчаси унинг барча таркибий элементларининг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини англатади, бу эса, белгиланган мақсадларга эришиш учун самарали фаолият юритиш имкониятини белгилаб беради. Бунда молиявий бошқарувнинг тизимлилик ва комплекслилигига асосий эътибор берилади. Г.В. Базаровнинг фикрича, молия-кредит механизми миллий иқтисодиётни молиявий бошқаришнинг

⁹Юзвович Л.И. Финансово-кредитный механизм привлечения реальных инвестиций // Финансы и кредит. 32 (512) – 2012. С. 53-59.

¹⁰Сенчагов В.К., Архипов А.Ю. Финансы, денежное обращение и кредит. М.: Проспект. 2008.

ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг таърифлашича, бу молия-кредит муносабатларини ташкил этиш ва такрор ишлаб чиқариш манфаатларини, ноишлаб чиқариш соҳасини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун улардан фойдаланишнинг шакл ва усуллари мажмуасидир¹¹. В.К. Сенчагов молия-кредит механизмини «молия ва кредит бошқарувини ташкил этишнинг шакллари, молия-кредит дастак ва усулларининг ўзаро боғлиқ тизими» сифатида таърифлайди¹². А.Бергер ва Г.Уделларнинг фикрича, молия-кредит механизми пул муносабатларининг соҳа ёки бўғинлари мажмуи сифатида таърифланиб, у ёрдамида молия-кредит инструментлари орқали кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатилади¹³. В.М.Опариннинг таърифлашича, молия-кредит механизми жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи дастак ва воситалар, яхлит молиявий усул ва шакллардан иборат¹⁴. Айрим замонавий иқтисодчилар эса, субъектлар ўртасидаги пул муносабатларини бошқариш шакл ва усуллари тизимини ўзида ифодаловчи корхоналарнинг молия-кредит механизмини ажратиб кўрсатганлар¹⁵. Хусусан, Л.В.Попованинг фикрига кўра, корхонанинг молия-кредит механизми бу шакл ва усулларнинг тартибга солинган тўплами бўлиб, у орқали корхона ўзини зарур пул маблағлари билан таъминлайди ҳамда молиялаштириш ёки кредитлаш шартлари асосида бўлинмалар ўртасида қайта тақсимлаган ҳолда барқарорлик ва ликвидликнинг маълум даражасига эришади, фойда олиш ва капитал қийматини оширишни таъминлайди¹⁶.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Ваҳобов ва Т.Маликовларнинг таъкидлашича, «молиянинг функциялари молия механизми орқали амалга оширилади. Бу механизм миллий хўжаликдаги молиявий муносабатлар ташкилий шаклларининг мажмуини, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини, молиявий режалаштириш методларини, молия ва молия тизимини бошқариш шаклларини, молиявий қонунчиликни ўз ичига олади»¹⁷.

Фикримизча, корхоналарнинг молиявий механизми бу иқтисодий қонунлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларига самарали таъсир кўрсатиш мақсадида молиявий муносабатлар ва пул маблағлари фондларининг ўзаро алоқасини ташкил этишга мўлжалланган корхона молиясини бошқариш тизимидир. Бу молиявий ресурсларни жалб этиш, режалаштириш, рағбатлантириш ва улардан фойдаланишда

¹¹ Роль финансов в социально-экономическом развитии страны: Сб. науч. тр. / Под ред. Г.В. Базаровой. М., 1986. С. 22.

¹² Сенчагов В.К. Финансовый механизм в повышение эффективности производства. М., 1979. С. 5.

¹³ Berger, Allen N. and Udell, Gregory F. The Economics of Small Business Finance: The Roles of Private Equity and Debt Markets in the Financial Growth Cycle. *Journal of banking and finance*. Vol. 22, 1998. p. 69.

¹⁴ Опарин В.М. Финансы (общая теория): Учебное пособие. – К.: КНЕУ, 1999. – 18с.

¹⁵ Abdulsaleh, Abdulaziz & Worthington, Andrew. Small and Medium-Sized Enterprises Financing: A Review of Literature. *International Journal of Business and Management*. Vol. 8, No. 14; 2013. 36-54.

¹⁶ Л.В.Попова. Финансово-кредитный механизм воспроизводства капитала в агроформированиях. Дисс. на соискание ученой степени доктора экономических наук. Волгоград – 2008. 43 с.

¹⁷ Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик /Тошкент Молия институти. – Тошкент: «Шарк», 2010. – 804 бет.

ифодалаган молиявий воситаларнинг ҳаракат тизими ҳисобланади.

Шундай қилиб, фикримизча, молия-кредит механизми бу кичик бизнеснинг ривожланишига бевосита эмас, балки билвосита, молия-кредит воситалари орқали таъсир кўрсатадиган пул муносабатларининг мажмуидир. Молия-кредит воситаларига солиқлар, давлат буюртмалари билан таъминлаш, бино ва ускуналарни ижарага бериш шартлари, фоиз ставкаларини субсидиялаш, банк тўловлари, бож тўловлари, микромолиялаштириш, франчайзинг, сугурта, тезлаштирилган амортизация, банк кредити, микрокредитлаш, солиқ имтиёзлари, бюджет ссудаси, тижорат кредити, факторинг ва лизинг кабиларни киритиш мумкин. Молия-кредит воситаларининг энг асосий вазифаларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур бўлган молиявий ресурсларни жамлаш ва юқори самара келтирувчи истиқболли лойиҳаларга йўналтиришдан иборат.



1-расм. Корхоналар молия-кредит механизмининг таркибий тузилмаси¹⁸

Молия-кредит механизмининг фаолият тамойиллари, вазифалари ва функциялари 1-расмда кўрсатилган ҳолда ташкил этилиши молиявий мақсад

¹⁸Тадқиқотлар асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

ва имкониятлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишга хизмат қилади. Молия-кредит механизми бир томондан, ўзига хос хусусиятларга ва иқтисодий қонуниятларга эга бўлган, бошқариладиган тизим бўлса, бошқа томондан эса, корхонани бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида, давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш даражасига ўта таъсирчан бўлади.

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб кичик бизнесни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда, мазкур соҳага тегишли корхоналар дунёдаги мавжуд фирмаларнинг 90 фоизини ташкил этади¹⁹. Халқаро молия корпорацияси (IFC) ҳисоб-китобларига кўра ривожланаётган мамлакатлардаги 65 миллион фирма ёки расмий микро, кичик ва ўрта корхоналарнинг 40 фоизи молиялаштириш учун ҳар йили 5,2 трлн. АҚШ доллари миқдорида қондирилмаган эҳтиёжга эга бўлиб, бу глобал микро, кичик ва ўрта корхоналарни кредитлашнинг жорий ҳолати даражасини 1,4 бараварига тенгдир. Глобал молиявий дефицитининг энг катта улуши Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасига (46%), ундан кейин Лотин Америкаси ва Қариб хавзасига (23%) ва Европа ва Марказий Осиёга (15%) тўғри келади²⁰. Умуман олганда, кичик бизнес субъектлари учун кўшимча молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ҳажми пандемия оқибатлари натижасида 2,9 триллион долларга ортди. Юқоридаги ҳолатлар кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш, улар фаолиятини молиялаштиришнинг янги манбаларини жорий этиш орқали молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни таъминлашнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит тизими амалиёти таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида солиқлар воситасида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳолати таҳлили, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган кредитлар таркиби ва динамикаси, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётига таъсир қилаётган омиллар эконометрик таҳлили каби масалалар ўрин олган.


Мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш, солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга қаратилган солиқ ислохотларини ўтказиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий ҳолатида тутган ўрнини ошириш ва улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

2019 йил 1 январдан календар йилида товарларни (ишларни,

¹⁹www.doingbusiness.orgBeck, Thorsten. 2013. «Bank Financing for SMEs—Lessons from the Literature» National Institute Economic Review 225 (1): R23-R38.


²⁰ <https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance>

хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилди. Яъни ҳақиқатан ҳам кичик корхона бўлган тўловчилар учун бир йиллик солиқ тўлов суммаси 10 млн. сўмгача камайиши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2019 йилдаги 4 фоизга туширилди. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз қилиб белгиланди.



2-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг пасайиб бориши (фоиз).²¹

Қайд этиш жоизки, ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига ушбу микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида кўп миқдорда маблағ қолиши кутилмоқда. Кичик корхоналар ва микрофирмалар учун соддалаштирилган ягона солиқни жорий этилиши кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, ЯИМда хусусий сектор улушини кўпайтиришни ҳамда аҳоли ўртасида тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилгандир.



3-расм. Микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг пасайиши²²

3-расм маълумотларидан кўришиб турибдики, микрофирма, кичик


²¹Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

²²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1994 йилда 40 фоизни ташкил қилган бўлса 2000 йилга келиб бу кўрсаткич ўзгармаган. 2004 йилда эса 7 фоизга пасайиб 33 фоизни ташкил қилган. 2010 йилда эса 8 фоизга пасайтирилган ва 25 фоизни ташкил қилган. 2015 йилга келиб ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоизни ташкил қилган бўлса 2019-2020 йилларда 12 фоизга туширилди. 1994 йил билан солиштирганда 3 баробардан ортиқроқ камайтирилганини кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг ва микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг пасайиши давлат солиқ сиёсатининг мазкур соҳа вакиллари молиявий қўллаб-қувватлашга ҳамда улар иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Солиқлардан имтиёзлар бериш, ставкаларни пасайтириш ва бошқа турли энгилликлар яратиш иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш ва устувор тармоқларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш бўйича турли хил шакллари афзалликларини тушунишлари ва ўзлари учун солиқ юкини пасайтириш юзасидан оқилона қарор қабул қилишлари қийин бўлмоқда.



4-расм. 2005-2020 йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши ва ягона солиқ тўлови ставкасининг ўзгариши²³

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилиши натижасида, ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 2015 йилда 5 фоизгача ёки 2,5 баробардан ортиқ камайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун катта имкониятлар берди. Жумладан, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигадаги кичик бизнес субъектлари улуши 31 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якуни билан бу кўрсаткич 56,9 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес субъектларини молиявий

²³Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

қўллаб-қувватлашда бевосита тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш кўламини кенгайтириш улар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутди, шу боисдан мамлакатимизда тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2020 йилда мазкур соҳага ажратилган микрокредитлар ҳажми 10,2 трлн. сўмни ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан қарийб 4,5 баробарга ошган.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни самарали ижросини таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларни тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга тижорат банклари томонидан кредит маблағларини йўналтириш борасидаги чора-тадбирлар фаол тарзда амалга оширилмоқда, мазкур кредитлар ҳисобидан ҳудудларда жами 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилган. Хусусан, 2020 йилда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 3,6 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилганлиги мазкур соҳани ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш орқали даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол тарзда амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал

Кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар (асосий йўналишлар бўйича) (млрд.сўм)²⁴

| Асосий йўналишлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|--|---------|---------|---------|---------|
| Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар, жами | 19564,7 | 30648,9 | 55430,0 | 48389,7 |
| <i>шундан:</i> | | | | |
| Ажратилган микрокредитлар | 4015,0 | 6205,9 | 10777,5 | 10194,3 |
| Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга | | 668,5 | 1136,1 | 2476,4 |
| Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга | 3582,2 | 6547,8 | 8772,2 | 5959,8 |
| Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга | 2782,3 | 3361,5 | 4499,8 | 4895,9 |
| Аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун | | 1748,7 | 4906,3 | 3602,1 |
| Хорижий кредит линиялари ҳисобидан (млн. АҚШ доллари) | 521,8 | 1039,3 | 1633,7 | 2139,0 |

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини жалб қилиш борасида ҳам чора-тадбирлар фаоллик билан амалга оширилмоқда. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу мақсадда тижорат банклари томонидан 30 дан зиёд чет эл

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

банклари ва халқаро молия институтлари билан уларнинг кредит линияларини жалб этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2,1 млрд. АҚШ доллари миқдорига ёки 2015 йилга нисбатан 5 баробар кўп кредитлар ажратилган. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари ва бошлангич капитални шакллантириш учун кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳамда микрокредитлаш ҳажмини ошириш орқали аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатнинг юритилиши ижобий натижаларга эришиш имконини бермоқда. 2020 йил ҳолатига кўра мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредит қўйилмаларининг юқори улуши «Ўзмиллийбанк», «Микрокредитбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» каби АТБлари ҳиссасига тўғри келган. Мазкур тижорат банклари томонидан иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёли кредитлар ажратишга қаратилган чора-тадбирлар фаол равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, «Микрокредитбанк» АТБнинг кредитлаш бозоридаги устувор йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган жами кредитлар ҳажмида айрим тижорат банклари улуши²⁵

| | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган жами кредитлар | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| шундан | | | | | | |
| «Ўзмиллийбанк» | 14,9 | 14,6 | 16,9 | 18,2 | 13,7 | 16,2 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» | 7,1 | 7,1 | 7,2 | 5,9 | 4,0 | 5,3 |
| «Агробанк» | 7,7 | 6,4 | 6,3 | 5,4 | 3,3 | 4,7 |
| «Микрокредитбанк» | 7,1 | 7,1 | 3,4 | 6,3 | 4,2 | 5,6 |
| «Қишлоқ қурилиш банк» | 4,8 | 4,9 | 5,2 | 4,8 | 3,2 | 4,3 |


«Микрокредитбанк» АТБ ўз фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтиришга қаратиб келмоқда.

²⁵ Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси кичик корхоналари ва микрофирмаларига ажратилган кредитлар ўртасидаги боғлиқлик корреляцияси²⁶

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|
| Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони(Y) | 225560 | 262930 | 334767 | 436981 |
| Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар(X) | 19564,7 | 30648,9 | 55430,0 | 48389,7 |

3-жадвал ёрдамида охириги иқтисодий ўзгаришлар даврида республикамиз томонидан ажратилган кредитлар миқдорининг ортиши ва кичик тадбиркорлик субъектлари сони орасидаги корреляцион боғланиш даражасини берувчи қуйидаги регрессия чизиги чизиб оламиз.



5-расм. Кичик корхоналар ва микрофирмаларга ажратилган кредитлар ўртасидаги боғлиқлик корреляцияси қонунияти²⁷

5-расмлар асосида республикамизда ажратилган кредитлар миқдори ортиши ва кичик тадбиркорлик субъектлари сони орасидаги корреляцион боғланиш даражасини кўрсатувчи корреляция коэффициентлари мос равишда $R_1=0,8$; $R_2=0,9595$ кўришимиз мумкин. Бу фарқ пайдо бўлишига сабаб $R_1=0,8$ коэффициентда иқтисодиётга пандемиянинг таъсири эътиборга олинган, яъни пандемия кичик тадбиркорлик субъектларининг сонига ўз таъсирини кўрсатган; $R_2=0,9595$ коэффициентда эса иқтисодиётга пандемиянинг таъсири эътиборга олинмаган. Демак, кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда уларга ажратилаётган кредит миқдоридан ташқари ташқи омилларнинг таъсири ҳам муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажаратилаётган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишда ташқи муҳит омилларини ҳисобга олишни тақозо этади.

